

“Янги Ўзбекистон - янги дунёқараш” шиори остида маънавий тарғибот тадбирлари

2020-йил 16-ноябр куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Гидротехника қурулиши” факултетининг кафедра мудирлари ва профессор-үқитувчилари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун - моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Ўртачирчик туманидаги бириклилган маҳаллаларда “Янги Ўзбекистон - янги дунёқараш” шиори остида маънавий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Ўрта Чирчиқ туманидаги 64-сонли мактабда Аранши МФЙда истиқомат қилувчи аҳоли билан “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраси мудири Ж.Қосимов, ушбу кафедра ўқитувчиси У.Едилбаевлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.



Учрашувда Ж.Қосимов Президентимиз ташабbusлари билан мамлакатимизда олиб бораётган ислоҳотлар, аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар тўғрисида маъруза қилди. У.Едилбоев мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор ва имтиёзлар, ёшлар сиёсати, баркамол ва интеллектуал авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида маъруза қилиб бердилар. Аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб берилди. Учрашувларнинг бадиий қисмида таклиф этилган санъаткорлар, мактаб ўқувчилари жамоаси томонидан тайёрланган қўшиқ, рақс ҳамда спорт ўйинлари намойиш қилинди. Тадбирлар қизиқарли ва мазмунли ўтди. Учрашувда маҳалла раислари, уч юзга яқин маҳаллий аҳоли ҳамда мактаб жамоалари фаол иштирок этиб, тадбирни юқори савияда ташкил этишга ва уни мазмунли ўтказилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

